SHARQ MASH'ALI

Toshkent davlat sharqshunoslik instituti
ilmiy-uslubiy, ma'rifiy jurnali









2014 / 1

Илмий-услубий, маърифий журнал.
Таъсисчи:
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат шарқшунослик институти
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)

Бош муҳаррир:
А. МАННОНОВ (проф., ф.ф.д.)

Таҳрир ҳайъати:
Қ. СОДИҚОВ (проф., ф.ф.д.)
(бош муҳаррир ўринбосари)
С. ҲАСАНОВ (проф., ф.ф.д.)
А. ҚУРОНБЕКОВ (проф., ф.ф.д.)
Б. АБДУҲАЛИМОВ (т.ф.д.)
А. ДОНИЁРОВ (проф., т.ф.д.)
Н. КАРИМОВА (проф., т.ф.д.)
У. ИДИРОВ (с.ф.д.)
А. ҲАБИБУЛЛАЕВ (доц., ф.ф.н.)
М. АБДУРАҲМОНОВА (доц., ф.ф.н.)
Г. РИХСИЕВА (доц., ф.ф.н.)
У. МУҲИБОВА (доц., ф.ф.н.)
Б. ОБИДОВ (доц., т.ф.н.)
В. КИМ (доц., с.ф.н.)
Д. ПЎЛАТОВА (доц., фал.ф.н.)
Б. САДИБЕКОВА (доц., и.ф.н.)
Ш. ЭРМАМАТОВ (доц., и.ф.н.)

Нашрга тайёрловчилар:
Ш. ГАИПОВА
М. ЗАРИФОВ
Р. ШАВРИКОВА

Журнал оригинал-макет асосида босилди.
Шарқ машъали, 2014 йил 1-сон

e-mail: sharq-jurnal@inbox.uz
web-site: www.tashgiv.uz

Босишга рухсат этилди 30.09.2014
Бичими 84x108 1/16 Шартли б.т. 5.0
100 нусхада босилди. Буюртма №
Баҳоси келишилган нархда.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

SHARQ MASH'ALI

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА №1 (45) 2014 йил

Адабиёт ва бадиият	***Қуронбеков А.*** "Ҳайрат ул-аброр"да инсон мақоми ... 2 ***Ходжаева Р.*** Мамлуклар даврида туркий тил ва адабиёт ... 13 ***Ходжаева Т., Мамажанова М.*** Амрита [illegible] Зулфия шеъриятида севги ва ҳижрон талқи[illegible] ... 20 ***Зиявуддинова М., Худжанова Д.*** Маҳмуд ибн [illegible]р Аз-Замахшарий ва аруз илми ... 24 ***Муҳиддинова Д.*** Араб ҳикоянавислигида услубий изланишлар ... 27
Тил тарихи	***Содиқов Қ.*** Темурийлар даврида яратилган уйғур ёзувли ёрлиқлар ... 30 ***Икромжонов А.*** "Фатовои Қозихон" асари услуби ҳақида ... 36 ***Мақсудова М.*** Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит-турк" асарида мақоллар ... 39
Хорижий тиллар сирлари	***Бегизова Х.*** Ҳиндистонда инглиз тили мақоми ... 42 ***Насирова С.*** Семантические значения глаголов в политических текстах ... 47
Бадиий таржима масалалари	***Сидиқов Қ.*** "Қутадғу билиг" тўртликларининг таржималари ҳақида ... 50 ***Тешабоева З.*** "Бобурнома"даги "Тенгри раҳматига бормоқ" фразеологик бирлигининг семантик майдони ва инглизча таржималари ... 56
Шарқ санъати	***Ибрагимова Ш.*** Турецкий теневой театр Карагёз ... 59 ***Аҳмедова С.*** Камолиддин Беҳзод ижодида нафосат фалсафаси ... 63
Шарқ тиллари ва адабиётини ўқитиш	***Сотиболдиева С.*** Адабиёт фанини ўқитишда кейс технологияси ... 69 ***Абдураҳмонова М., Рихсиева Г.*** Ўзбек тилидаги барқарор бирикмаларни ўргатиш масалалари ... 74
Янги таржималар	Ошиқ Баёний шеъриятидан намуналар ***(Шабанов Ж.)*** ... 77

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ БАРҚАРОР БИРИКМАЛАРНИ ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ

МЕҲРИБОН АБДУРАҲМОНОВА
Доцент, ЖИДУ
ГУЛЧЕҲРА РИХСИЕВА
Филология фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

Аннотация. *Мақола «Хорижликларга ўзбек тилини интенсив ўргатиш тизимини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида яратилган бўлиб, унда тилдаги барқарор бирикмаларни ўргатишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.*

Таянч сўз ва иборалар: *барқарор бирикмалар, иборалар, мақоллар, чет тилини ўқитиш методикаси, оғзаки ва ёзма нутқ.*

Аннотация. *Статья написана в рамках проекта «Разработка системы интенсивного обучения узбекскому языку для иностранцев», она посвящается специфике обучения устойчивых выражений узбекского языка.*

Опорные слова и выражения: *устойчивые выражения, фразеологизмы, пословицы, методика преподавания иностранного языка, устная и письменная речь.*

Summary. *This article is prepared within the framework of the project named "Working out the system of intensive teaching Uzbek language for foreigners" and here are enlightened specific aspects of teaching stable conditions in langauge.*

Keywords and expressions: *stable conditions, phrases, proverbs, the methods of teaching foreign language, written and oral speech.*

Ҳозирги кунда ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш дастурларининг босқичмабосқич ўргатиш комплекс тизимини яратишда лексик бирликларни танлаш ва ўргатиш методларини ҳам ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқда. Бу мақсадни амалга оширишдаги биринчи қадам ўзбек тили грамматика курсини ноанъанавий усулда, яъни грамматик билимларни семантик-синтактик мавзуларга гуруҳлаган ҳолда содда ва мураккаб сўз бирикмалари ҳамда гап қолиплари комплекслари асосида яратишдир. Иккинчи томондан эса нутқий мавзуларга мос равишда лексик материални танлаш ва уларни тўғри қўллаш кўникмаларини шакллантиришдир.

Ўзбек тилини ўқитиш жараёнида дарсда оғзаки ва ёзма нутқни шакллантириш, эшитиш кўникмаларини ҳосил қилиш, сўз бойлигини ошириш мақсадида турли усул ва технологиялардан фойдаланамиз. Аксарият ҳолда улар ўртасида узвийлик бўлмайди. Матннинг грамматик материал билан боғлиқлиги, берилган топшириқлар мақсади, узвийлик, изчиллик каби талабларга баъзан риоя этилмайди. Дарс жараёнида фонетик-орфоэпик меъёрлар, грамматик қурилмаларни услубий тўғри қўллаш, сўзларни тўғри ишлатиш, аудиоматериални тинглаб тушуниш, фикрни давом эттириш ёки нуқтаи назар билдириш каби бир қатор кўникмалар комплекс равишда шакллантирилади. Бунда аввало грамматик мавзулар йирик нутқий мавзулар остига бирлаштирилиб, дарс "матндан – грамматик мавзуга" тамойили асосида тизимга солинади. Биринчидан, нутқий мавзуларни белгилашда унинг жамият тараққиётидаги долзарблиги ва тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олиш зарур. Лексик материални ўргатиш билан бир қаторда ўзбек маданияти, урф-одатлари, миллий қарашлар ҳақида маълумот бериш, тил орқали миллий маданият ва тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини ўргатиш кўзда тутилади.

Матн устида ишлашга жиддий эътибор бериш билан бир қаторда матн лексикасини ўзлаштиришга йўналтирилган топшириқлар тузишга аҳамият бериш зарурдир. Бунда лексик материални танлаш принципларини ишлаб чиқиш муҳим. Маълумки, тилда барқарор бирикмалар кенг қўлланилади. Икки

ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган, нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилувчи, хотирада яхлит ҳолда сақланувчи тил бирликлари **барқарор бирикмалар** ҳисобланади. Фразеологизмлар (ибораларр), мақол ва маталлар, афоризмлар барқарор бирикмалар ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ сўзнинг яхлит ҳолда бир маънони ифодаловчи – ибора (масалан, *миси чиқди, тарвузи қўлтиғидан тушди, капалаги учиб кетди, юрак ютиб юбормоқ, кўз очирмаслик, бошида кўтармоқ, кўзи тўрт бўлмоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ, илоннинг ёғини ялаган ва б.*[1]) маълум бир вазиятни аниқ ифодалашда жуда қулай бўлгани учун уларни ўргатиш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, уларнинг тил ўрганувчининг она тилидаги аналогини бериб тушунтириш ҳам муҳим. Маълумки, ибораларда бир неча сўз биргаликда яхлит бир кўчма маънони ифодалайди. Унинг таркибидаги сўзлар алоҳида-алоҳида олинса, кутилган маъно келиб чиқмайди: *кўзи тушди* – кўрди, *илоннинг ёғини ялаган* – айёр, *тепа сочи тикка бўлди* – ғазабланди ва б. Демак, ибораларр тўлиқ кўчма маънода бўлиши, ибора таркибидаги сўзларнинг шакли билан маъноси бир-бирига мос келмаслиги, иборанинг маъноси асосан сўзга, баъзан сўз бирикмаси ва гапга тенг бўлиши фикрни аниқ вазиятга мос равишда ифодалашга ёрдам бериши юзасидан грамматик қоидаларни тушунтириш талаб этилади. Масалан, *бир шингил гап, жаҳли чиқмоқ, тош юрак, ерга қаратмоқ* каби[2]. Ибораларнинг маъноси кўчма бўлганлиги учун унинг маъносини англаб олиш чет эллик талабалар учун қийинчилик туғдиради. Масалан, *темирни қизиғида урмоқ* ибораси *ишни ўз вақтида бажармоқ* маъносида, *бошига кўтармоқ* ибораси *ҳурмат қилмоқ* ёки *тўпалон қилмоқ* маъноларида ишлатилиши уларнинг тўғридан-тўғри таржимасида ҳам англашилмайди. Бирликларнинг тил универсалиялари сифатида мавжудлиги тил ўрганувчи учун қулайлик туғдиради, қиёсий фикрлаш таъсирида ибораларни тўғри англай олади.

Грамматик жиҳатдан шаклланган, халқ донишмандлигини ўзида акс эттирган барқарор бирикмалар – мақолларни қўллашга ўргатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, *Эгри озади, тўғри ўзади. Мевали дарахтга тош тегади* каби.

Ибораларни тўғри қўллашга ўргатиш нафақат сўзлашув тилини тушуниш, балки бадиий, илмий адабиётларни, матбуот материалларини мутолаа қилишга ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Барқарор бирикмаларни ўргатишнинг энг осон усули қандай?

Ҳозирги кунда ибораларнинг бир қанча луғати бўлиб, уларда ибораларнинг қўлланиши мисоллар билан тушунтирилган ва изоҳланган. Хорижлик талабалар фразеологизмларни осон ўзлаштиришлари учун иборалар иштирокида гаплар тузиб, контекстда қўлланиш шаклларини ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, бадиий матнларни ўқиш яхши самара беради. Маълумки, айнан иборалар бошқа тилларга жуда қийин ўгирилади. Чунки шундай иборалар тилда мавжудки, уларнинг бошқа миллат маданиятида мос эквиваленти бўлмайди. Бунда ўқитувчининг асосий вазифаси эса иборанинг мазмунини чиройли талқин қилиб беришдир. Масалан, ***қўй оғзидан чўп олмаган*** иборасини бошқа тилларга таржима қилганда аксарият ҳолда нима учун ***беозор одам*** маъносини, ***ёғ тушса ялагудек*** ибораси ***тоза*** маъносини, ***думи хуржунда*** ибораси ***чала қилинган иш*** маъносини беришини тушунмайдилар. Албатта, бошқа тилларда ҳам учрайдиган ибораларни тушунтириш анча осон. Масалан, *оғзи қулоғида, бир овоздан.....*

Чет тилини ўқитиш методикалари орасида тилни интенсив ўргатиш усули алоҳида ўринга эга. Бунда тилда кенг қўлланадиган ва фикрни осон тушунтиришга ёрдам бе-

[1] Ш. Рахматуллаев. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. – Т.: Фан, 1964.

[2] М. Нурматова, Г. Рихсиева. Ўзбек тили. – Т.: ТошДШИ, 2013. – 48 б.

радиган барқарор бирикмалар ва ибораларни ўргатиш жуда муҳим. Яъни, мақсад – тез ва осон муомалага киришиш *(ниятга етмоқ, оила қурмоқ. эсга тушмоқ, эсдан чиқмоқ, боши осмонга етмоқ, қорни очмоқ, юраги сиқилмоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ, мазаси қочмоқ, йўлга чиқмоқ)* каби ибораларни тилимизда кенг қўлланади.

Ибораларни тузилиши ва маъноси жиҳатидан бир хил шакл ва маънода бўлиши ёки шаклан ҳар хил бўлиб ўхшаш маъно ифодалаши мумкин. Бунда у ёки бу миллат маданияти, ҳаёт тарзини ҳисобга олган ҳолда тунунтириш мақсадга мувофиқ. Чунки маданияти бир-бирига ўхшамайдиган миллатлар тилида ибораларни ўргатиш бирмунча қийинчиликларни туғдиради. Масалан, *алифни калтак деёлмаслик, кўз тегмоқ, бир охурдан ем емоқ, қовун тушурмоқ, думи хуржунда, қўли енгил, дўпписи яримта, дўппи тор келмоқ, оғзига толқон солмоқ* каби. *(*Масалан, корейс тилида *осон иш* маъносида ***ётиб ток*** *(корейс миллий ширинлиги)* ***емоқ*** *ибораси қўлланади.)*

Муҳим жиҳати шундаки, ибораларни қўллашда уларнинг синтактик шаклини ўргатишга эътибор бериш керак. Масалан, *оғзи қулоғида, кўнгли ғаш, кўнгли тўқ* иборалари гапда одатда от-кесим шаклида келади.

Хулоса қиладиган бўлсак, чет эллик талабаларга ибора ва мақоллар, умуман, барқарор бирикмаларни ўргатиш катта аҳамиятга эга. Бунда аввало, тилда кенг қўлланадиган ибора ва бирикмаларни танлаб, уларни қўйидагича таснифлаш тавсия этилади:

1. Икки тилда ҳам бир хил шакл ва мазмунга эга иборалар: ***бурни осмонда*** (масалан корейс тилида ҳам ***бурни осмонга тиқилган***).

2. Шаклан ҳар хил бўлиб, мазмунан бир маънони ифодалайдиган иборалар: ***ўз устида ишламоқ*** (корейс тилида ***ўзини ютмоқ***), ***оғзи қулоғида*** (корейс тилида ***оғзи қулоғига илинган***), қўл учида (***корейс тилида тарвуз пўстини ялагандек***)

3. Бошқа тилда муқобил шакли бўлмаган иборалар[1]. Масалан, ***думи хуржунда, ... қўш тандир,*** масалан, корейс тилида ***бақа итбалиқ пайтларини эслай олмайди, қудуқдаги бақа, "сотанг" (мадраса маъносида)нинг ити уч йилда "пунг ", яъни шеър айтади*** иборалари қўлланилади.

Ибораларни ва мақолларни ўргатиш орқали миллатлар ўртасидаги умумийлик, маданиятлар орасидаги умумийлик, қарашлар ўхшашлиги ёки аксинча, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот бериш мумкин. Бу эса, ўз ўрнида, чет элликларга ўзбек тилини ўқитиш таълим мазмунини айнан маълум бир миллий аудиторияга йўналтиришда катта аҳамиятга эга. Бу билан таълимнинг янада мазмунли, янги маълумотлар олишга йўналтирадиган бўлишини таъминлайди.

[1] Қаранг. Новикова А. К. Сопоставительное изучение фразеологии как принцип национально-ориентированного преподавания русского языка как иностранного // Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал. 2012, № 1) www.sp.nkras.ru